

---

## ФАРҒОНАДА «ТАЪЛИМ ВА КАСБ-2022» КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТАДИ

26 сентябрь куни Фарғона шаҳридаги Ёшлар марказида «Таълим ва касб-2022» халқаро кўргазмаси бўлиб ўтади.

Иштирокчилар орасида Москва давлат халқаро муносабатлар институти, Тошкентдаги Пучон университети, Олмаотадаги Қозоғистон менежмент, иқтисодиёт ва прогнозлаш институти, А.И.Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети, Истанбул Айдин университети, И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети, Назарбоев университети, Абай номидаги Қозоқ миллий педагогика университети, Тошкентдаги Вебстер университети, Беларусия давлат университети ва бошқалар бор - жами дунёнинг 40 дан ортиқ олий ўқув юртлири бор.

Кўргазмага ташриф буюрган ёшлар таълим муассасалари вакиллари билан бевосита мулоқот қилиш ҳамда таълим жараёни, формати ва бошқа масалалар ҳақида саволлар бериш имкониятига эга бўлади.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-09-21 17:29:39